

**“ТАСДИКЛАЙМАН”**  
**Каттакүрғон шаҳар**  
**Ободонлаштириш бошқармаси**  
**башкешлиги**



Ф.Қурбанов

март 2022й

Бажарувчи ташкилотни таълаб олип учун

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йурикнома
2. Техник кисм
3. Нархлар кисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Каттакүрғон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси ҳисобидаги МТС горизантал (VAS 280M8 75к.вт-730об/мин) сугориш насосини жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича.
- 1.2. Танлов охирги киймати – МТС горизантал (VAS 280M8 75к.вт-730об/мин) сугориш насосини жорий таъмирлаш ишларини бажариш 1 хизмат 8764851дан жами 8 764 851 (Саккиз миллион етти юз олтмиш тўрт минг саккиз юз эллик бир) сўм.  
Ушбу кийматдан ортиқ кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва куриб чикилмайди.
- 1.3. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник кисмда илова килинган.  
Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Каттакүрғон туман ҳокимлиги (бундан кейин «Буюртмачи» деб аталади) –танлов ташкилотчиси ҳисобланади.  
«Буюртмачи» манзили: Самарқанд вилояти Каттакүрғон шаҳар Умар хайём кўчаси 9 уй
- 2.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар утказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади.
- 2.3. Танлов Каттакүрғон туман ҳокимлиги «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклида катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

тандар предмети кийматининг камидаги 15 фойзи микдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресуслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар; тандар объектига ўхшашиб объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

тандар объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми ( 50 фоиздан кам бўлмаган холда); Низом маблағи микдори.

3.3. Агар тандар предмети булган ишлар ( хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса тандарда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга тандар жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди;

Кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш ), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий – хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНДАРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН МТАШКИЛОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон тандарлар ўтказиш

порталига электрон тандарлар ўтказиш

учун жойлаштирилиши лозим.

4.3. Тандар учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачм” ва “Иштирокчи” ўзбек тилида тақдим қилиниши лозим.

4.4. Кушидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- Техник таклиф, Фирменни биланкада имзоланган, номерланган ва мухирланган холда;
- Техник хужжатлар руйхати (брошурулар, техник паспортлар ёки ўхшашиб хужжатлар руйхати илова қилинади);
- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тулдирилиши лозим.

4.5. Тандар иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкин;
- Тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- Таклиф бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгаришиш киритиш хукуқига эга.

#### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Харид комиссияси тандар учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли холда элон қилинган муддатдан яни 5 календар кунга узайтирилиши мумкин.

- 5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фактат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.
- 5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлалилар.
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибдадавлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклиф бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳакли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисида эълонга ўзгартиришлар киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шакилда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳакли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шакилда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тунунтиришлар уларнинг мазмун-маҳиятини ўзгартираслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юболишига ҳакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тугишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан белгиланган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилди.